MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 21 IYUN ◆ PAYSHANBA ◆ № 71 (26.773)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли хоразмлик миришкорлар!

Сизларни ғалла етиштириш бўйича ўз зиммангизга олган йиллик мажбуриятларни мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шараф билан адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, бутун мамлакатимиз сурункасига икки йил давомида қаттиқ қурғоқчиликка дуч келиб, оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган бир пайтда сиз — хоразмлик захматкаш деҳқонларнинг эришган бу меҳнат ғалабангиз ҳар қандай юксак таҳсинга сазовор, десак, муболаға бўлмайди.

Мен Хоразм вилоятининг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитини назарда тутиб, бу заминда деҳқончилик қилиш, унинг кучли шамоли, қаҳратон совуғи, жазирама иссиғига бардош бериб мўл ҳосил етиштириш — ҳақиқий қаҳрамонликдир, деб айтган сўзларимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу ҳақиқатни сизлар ҳар кунлик меҳнатингиз, мана шу эришган улкан ютуғингиз билан яққол тасдиқлаб турибсиз.

Бундай ютуққа аввало ўз ери, ўз юртини жон дилдан севадиган мардлик ва шижоат, омилкорлик билан меҳнат қиладиган матонатли ва фидойи инсонларгина эриша олади.

Мана шундай сабот ва қатъият билан яшаб, ишлаётган сиз — вилоят аҳли халқ хўжалигининг бошқа барча соҳаларида ҳам ўз олдингизга қўйган марраларга албатта етасиз, деб ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, бу йил бошимизга тушган оғир синов — сув танқислигидан азият чеккан Хоразм элининг дарду ташвишларини енгиллатиш, вилоят аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш учун давлатимиз томонидан барча зарур кўмак ва ёрдам берилади, деб сизларни ишонтириб айтаман.

Хоразм халқи табиий офат олдида ҳеч қачон ёлғиз қолмаган ва қолмайди.

Барчангизни бугунги катта ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга соғлиқ-омонлик, хуш кайфият, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН

Нисбатан шимолда жойлашган Хоразм воҳасида деҳқончилик осон кечмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, сув тақчиллиги илк ҳосил — буғдойга ўз таъсирини ўтказди. Баҳорда буғдойзорларни кўнгилдагидек суғориш имкони бўлмади. Аммо, ғаллакор имкон топди — ҳар томчи сувдан фойдалана билди. Мана самара бор-йўғи ўн бир иш кунида 40 минг тонналик хирмон уюлиб, давлат буюртмаси бажарилди.

— Мавсум тез ва сифатли ўтказилишига ишнинг уюшқоқлик билан ташкил қилингани замин бўлди, — дейди вилоят ҳокимлиги агросаноат мутахассислари гуруҳи раҳбари Бахтиёр Иброҳимов. — Ўрим-йиғимда қатнашган барча кишилар учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилди. Меҳнатга яраша рағбатлантириш йўлга қўйилди. Техникаларнинг соз ишлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хирмонга Хонқа, Хазорасп, Гурлан, Янгибозор туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Бу туманларда давлат режаси бир ҳафтанинг нари-берисида бажарилди. Яна айтиш жоизки, сув тақчиллиги шароитида ҳар гектардан 50 центнер атрофида ҳосил олган пудратчилар бўлишди.

Далаларда иш қизғин. Эндиликда буғдойдан бўшаган майдонларга иккинчи экин — мол озуқаси, бошқа тезпишар экинлар ва ҳатто шоли экиш қизғин олиб борилмоқда.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

БЕКОБОДЛИКЛАР МАРРАДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланаётган йилда Тошкент вилоятида биринчи бўлиб Бекобод тумани ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш режасини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 29 минг тонна ғалла етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 33 центнерни ташкил этди.

Бу улкан хирмонга туманнинг «Авангард», «Далварзин», Навоий, Мавлонов, Улуғбек номли ширкат хўжалиги деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Деҳқонларнинг мулкка, ерга бўлган муносабати самара берди. Шу боисдан бу хўжаликлардаги қатор ижарачи деҳқонлар 55-58 центнердан қирмизи дон олдилар.

— Ғаллакорларимиз яна 1100 тонна ҳосил йиғиштириб олмоқчи, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Нормурод Эсонов. — Ҳосилдорликни гектарига ўртача 35 центнерга етказмоқчимиз. Бунинг учун имконият етарли.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

СПОРТ

«ҚИРОЛ»НИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Машҳур боксчимиз Артур Григорян профессионаллар орасида жаҳон чемпиони белбоғини яна бир бор муваффақиятли ҳимоя қилди. «Бокс қироли» деб эъзозланадиган бу спортчимиз навбатдаги учрашувни аргентиналик Алди Назарини Риос билан ўтказиб, очколар ҳисобида зафар қучди. Бу Артурнинг ўн бешинчи ғалабасидир.

МАЛАЙЗИЯ САФАРИ

Республика терма жамоаси футболчилари Малайзияга жўнаб кетишди. Улар сафар чоғида жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич ўйинларига тайёргарликни оширадилар. Футболчиларимиз «Мердека» халқаро турнирида қатнашади. Эртага Таиланд жамоаси билан майдонга тушишса, 24 июнь куни Малайзия футболчилари билан учрашадилар. 26 июнда эса Ҳиндистон жамоаси билан куч синашадилар. Гуруҳда 1-2 ўринларни олган жамоалар ярим финалга чиқадилар. Финал учрашуви эса 30 июнга мўлжалланган.

■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ТАЖРИБА

СИМҚЎРҒОН ЯЙЛОВЛАРИ

ЁКИ 23 ГЕКТАР БЕДАЗОРДА 350 БОШ ҚОРАМОЛНИ 8 ОЙ ЯЙЛОВЛАТИШ МУМКИНМИ?

— ҲА, МУМКИН, — ДЕЙДИ ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ ТЎЙЧИ НЕЪМАТОВ НОМЛИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ НАСЛЧИЛИК ФЕРМАСИ БОШ ЗООТЕХНИГИ ЭГАМБЕРДИ ХОЛМАТОВ. — БУ МУТЛАҚО НАЗАРИЯ ЭМАС, АМАЛДА ҚЎЛЛАНИБ, КАТТАГИНА ИҚТИСОДИЙ САМАРАЛАР ОЛИНГАН УСУЛ

Дарҳақиқат, шундай. Бунинг учун мазкур 23 гектар майдоннинг 0,5 гектар қисми тўрт бурчак шаклда, қалинлиги 0,3 миллиметр бўлган оддий сим билан тахминан 1 метр баландликда ўралади. Ва бу симга 12 вольт қучланишли аккумуляторнинг мусбат заряди улаб қўйилади.

Бир кунда 350 бош қорамол шу майдондаги гуллаган бедани табиий ҳолда юриб ейди. Кейинги кунда қозиқлар жилдирилади ва навбатдаги 0,5 гектар ерга ўтказилади. Шундай қилиб, 23 гектар майдондаги бедани сигирлар 40 кун мобайнида ейди. Ва бу жараён то декабргача яна қайтадан такрорланавераді. Негаки, 40 кун аввал мол боқилган майдондаги бедазор яна ўсиб, гуллаб, тайёр турадi.

— Бу усулда техника харажатлари талаб этилмайди, — дейди зоотехник тажрибанинг афзалликлари ҳақида гапирар экан.

— **Биринчидан,** бутун ёз давомида марказий молхона «нафас ростлайди», электр энергияси тежалади, унинг жорий таъмири ўтказилади.

Иккинчидан, чорва техникаси фақат қишки мавсум учун озуқа жамғариш билан машғул бўлади.

Учинчидан, ҳайвонлар турғун эмас, балки табиий яйлов шароитида озиқланади. Бу эса соғинларнинг маҳсулдорлигига замин яратади.

Тўртинчидан, бедани озиқлантириш ўз-ўзидан рўй беради, яъни апрелда сигирларни яйловлатиш бошланган бўлса, бу жараён декабргача давом этади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Бир сигир бир кунда камида 24 килограмм тезаклайди. 350 та ҳайвон 8,4 тонна гўнг билан 50 сотих ерни сийлайди. Демак, 8 ойда 23 гектар бедапоя 67 тоннадан ортиқ гўнг билан ўғитланади.

Бешинчидан, шу давр мобайнида транспорт воситаларига эҳтиёж камаяди. Демак, 20 тонна солярка ва бошқа нефть маҳсулотлари, шунингдек, техника амортизацияси ҳам тежалади.

Олтинчидан, сигирларнинг электр зарядига гоҳо тегиниб кетиши улардан соғлом бузоқ олишга ижобий таъсир этади. Фактларга мурожаат қилсак, авваллари 100 сигирдан 60-70 та бузоқ олинарди. Ҳозир эса ҳар 100 та сигирдан 89 та соғлом бузоқ олинмоқда ва бу кўрсаткич билан хўжалик вилоятда биринчи ўринга чиқиб олди.

Табиий яйловлари бўлмаган туманларда чорвачилик оқсаётган соҳа эканлиги сир эмас. Ёзин-қишин молхонада, бир жойда турғун ҳолда боқилаверганидан ҳайвонларнинг турли касалликларга берилувчан бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Лекин изланувчан, меҳнатсевар, ўз ишининг устаси бўлган «афғончи» йигит Эгамберди Холматовнинг «симқўрғон яйловлари» боис хўжалик чорваси ўтган 2000 йилни самарали натижалар билан якунлади.

— Ушбу тажрибани қўллаганимизга иккинчи йил кетмоқда. Ўтган йили айнан шу усул сабаб 2 миллион 203 минг сўм соф фойда олинди. Бу йил эса 10 миллион сўм фойда олишни кўзлаб турибмиз, — дейди Эгамберди ака. — Фойда асосан харажатларни камайтириш ҳисобига бўлмоқда, яъни агар молхонада қамаб боқиш усули бўлса, бир кунда камида 15 минг 400 килограмм кўк ўт, 500 килограмм ем сарфланиши керак. Бунинг учун 1 гектар ердаги бедани ўриш талаб этилади. Янги усулда эса 350 бош сигир бир кунда атиги 50 сотих ердаги бедани табиий юриб ейишга улгуради. Ем бермаймиз. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Маҳсулдорлик эса ошяпти. 87 та соғин сигирдан кунига 650 килограммдан ортиқ сут соғиб оляпмиз.

— Наслчилик фермасининг ихтиёрида 40 гектар бедазор бор, — дейди ширкат хўжалиги раиси Қодиржон Неъматов. — Шундан 23 гектарини яйловлатиш усули билан сигирларга едиришади. Қолган майдонлардаги кўк массани эса ўриб-йиғиб, қишга ғамлашади.

Бу йил 4 апрелдан яйловлатишни бошлашди. Бир ойга яқин 7 гектарлик рапс майдонида боқишди. Ҳозир эса бедазорда. 23 гектар майдонда 6-7 марта такрорий боқиш имкониятига эга, — дея гапини якунлайди раис.

Ҳа, тажриба моҳиятига кўра, бу усул фойда бериши амалда синалди. Зоотехникнинг ҳисоб-китоб қилишича, 8 ойлик яйловлатиш даврида бир сигирга 1000 сўмга яқин харажат сарфланаркан. Демак, ферма бўйича атиги 350 минг сўм сарфланади холос. Агар эскича усул, яъни молхонада қамаб боқилса, харажат камида ўн баравар ортиқча бўларди. Бундан ташқари молларни қишдан беталофат олиб чиқиш учун ҳозиргидек 40 гектарга эмас, балки 120 гектар ерга беда экишга мажбур бўлишарди. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг ўзидаёқ (августда) Наманганда «Маданий яйлов» мавзуида вилоят чорвадорларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда янги усулнинг афзалликлари, имкониятлари, зарару фойдаси ҳақида тўхталинди ва тажрибани бошқа хўжаликлардаям синаб кўриш тавсия этилди.

Мана энди бу усул Уйчи, Чуст, Чортоқ туманларида ҳам жорий этилди. Куни кеча Эгамберди аканинг чустлик ҳамкасблари 2 ойда 2 миллион сўм фойда кўришганини суюниб гапиришди. Демак, чорва фойдали соҳа эканлиги яна бир бор ўз юзини кўрсатди.

■ **Алимқул СУЛТОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Мухторали СУЛТОНҚУЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КЕЛИШИ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1998 ЙИЛ 20 МАРТДАГИ ПФ-1979-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Божхона режимини янада эркинлаштириш мақсадида:

1. 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларидан улар олиб келган нақд хорижий валютанинг 10 000 АҚШ долларидан зиёд қисмидан бир фоиз миқдорида бож тўлови олиниши бекор қилинсин.

2. «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги ПФ-1979-сон Фармони 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда» деган сўзлар олиб ташлансин;

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 19 июнь

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси ҳажмини ошириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги ҳақида сўз борди. Шунингдек, тадбирда савдо ва божхона ишларида ҳамкорлик ҳамда ўзаро кўмаклашиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи мажлиси ҳақидаги Баённома ва шу каби ҳужжатлар имзоланди.

■ **Акбаржон ТОҲИРОВ**

ФАХРИЙ УНВОН БЕРИЛДИ

Ҳинд ва ўзбек халқлари дўстлиги асрлар оша бардавомдир. Икки халқ тарихини боғлаган Бобурийлар сулоласининг қадами Ҳиндистон тупроғига етмай туриб халқлар ўртасида ўзаро маданий савдо алоқалари йўлга қўйилган эди.

Икки халқни бир-бирига яқинлаштиришда хизмати сингган таниқли урду шоири, олим, Тошкентдаги Ҳиндистон маданияти маркази раҳбари, профессор Қамар Раисга Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Фахрий доктор»и (фалсафа) унвони берилди.

— Қамар Раис ҳамиша икки халқнинг дўст-биродар бўлиб яшаши учун адиб, ижодкор сифатида бор кучини аямади, — деди тақдимот маросимида Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, академик Н. Иброҳимов. — Эндиликда у фақат ҳинд халқининг миллий санъати, адабиётини тарғиб этибгина қолмай, ўзбек халқининг беназир санъати, маданияти, адабиётини кенг ёйишда ўз ҳиссасини қўшаяпти. Айнан унинг хизмати туфайли Ҳиндистон халқи илк бор ўзбек шоирларининг ижоди билан танишиш имконига эга бўлди.

■ **Феруза ХУДОЙҚУЛОВА**

КУТУБХОНАДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ҳуқуқий ахборот олишни хоҳлайсизми? Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон кутубхонасида Америка Қўшма Штатларининг «Сорос» жамғармаси томонидан молиялаштирилаётган кутубхоналар халқаро тизими дастури бўйича фаолият кўрсата бошлаган ҳуқуқий маълумотлар маркази мушкулингизни осон қилади.

Ҳуқуқий ахборот марказининг маълумотлар базаси бой. Барча турдаги ҳуқуқий қонунларни олиш, исталган мамлакатнинг қонунчилигини ўрганиш мумкин. Марказда 1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда чоп этилаётган 289 номдаги оммавий нашрлар маълумотлар базаси, компьютер тизимидаги «Ҳуқуқ» дастури мавжуд. Истиқлолнинг 10 йили давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг намунавий шакллари ўрин олган.

Марказда аҳолининг турли қатламлари вакилларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ҳуқуқий воситалар орқали малакали ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик тизимида фаолият кўрсатувчиларга, ўқувчиларга, нодавлат ташкилотларга, барча маҳкамавий кутубхоналарга, ўқувчилар ҳамда талабаларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кўмаклашиш режалаштирилган.

Кутубхонадаги ҳуқуқий ахборот марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Президенти девони Бош мутахассиси, Республика кутубхоначилик ассоциацияси раиси А. Умаров, халқаро кутубхоначилар дастурининг Будапешт гранти директори У. Собиров, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Қ. Ибайдуллаев ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда шу йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Шу муносабат билан Юнусобод тумани «Обод» маҳалласида маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларининг кейинги икки ярим йил муддат давридаги ҳисобот-сайлов мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда маҳалла оқсоқоли М. Ҳайдаров ҳудудда 11428 киши истиқомат қиладиган маҳалла фаолларига ҳисобот берди ва йиғилганлар унинг фаолиятини ижобий деб топди. Шундан сўнг маҳалла оқсоқоллигига икки номзод кўрсатилди. Йиғилганларнинг кўпчилик овозини олган М. Ҳайдаров қайта маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

■ **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**

«СОҒИНЧ»

Миллий матбуот марказида эстрада санъаткори Маҳмуд Номозовнинг янги «Соғинч» аудио ҳамда компактдиск альбоми ҳақида матбуот конференцияси ўтказилди. Йиғилишни марказ раҳбари Амирқул Каримов кириш сўзи билан очаркан, санъаткорнинг эстрада қўшиқчилигида эришган ютуқлари ҳамда санъат оламида ўзига хос бахшиёна усулга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Маданият институти доценти Ўрозали Тошматов Маҳмуд Номозов ҳаёти ҳақида йиғилган журналистларга қисқача сўзлаб берди. Йиғилиш сўнггида санъаткор билан журналистлар ўртасида саволжавоблар ўтказилди.

■ **Юнус БЎРОНОВ**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

3. ТОМОРҚА

I

Куни кеча Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримов тўрт кун давомида Фарғона вилоятининг нотинч шаҳарлари, чет қишлоқлари ва овлоқ хонадонларда, эл-улус орасида юриб, бир этак боласи бўлса-да, на зироат экишга, на мол боқишга шарт-шароити бўлмаган, инсоний эътибордан четда қолган кишилар ҳаёти, уларнинг аянчли турмуш тарзини ўз кўзи билан кўрди ва ғаму ташвишларига шерик бўлди. Водийдан қайтгач, 1989 йилнинг 6 июлида Фанлар академияси кенгашида у ҳаёт илгари сураётган ўта оғриқли, ўткир ижтимоий масалани қатъий кун тартибига қўйди:

— **Аҳволни қандай қилиб ўнглаш, халқнинг бунёдкорлик ғайратини қандай уйғотиш мумкин?**

Ўз халқининг тарихини яхши биладиган, унинг асрий интилишларини теран англайдиган Ислом Каримов одамларнинг бўғиб ташланган бунёдкорлик ғайрати қанот ёзиши учун уларнинг дардига айланган энг ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб иш тутди ва орадан бир кун ўтгач, республика Министрлар Совети кенгашида аҳолини томорқа ва қўшимча томорқа билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой қурувчиларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш вазифасини ҳар бир раҳбар зиммасига қатъий тарзда юклади. Шундан сўнг ўтган бир ой ичида 60 мингдан зиёд оила ўз томорқасига эга бўлди...

«Халқимизнинг тарихи шуни кўрсатадики, одамлар ўз томорқасига меҳрини бериб ишлайди, — деган эди Ўзбекистон раҳбари 1989 йилнинг 27 сентябрида, — **астойдил қилинган меҳнат туфайли самарали натижаларга эришади».**

— Очиғини айтсам, юртбошимиз ўз вақтида шу ишни бошламаганида, уй-жой қуринг, имкониятингиз бўлса, мол олинг, деб ҳар куни уқтирмаганида, шундан келиб чиқиб, иссиғида ҳаракат қилмаганимизда, билмадим, ўтиш даврида аҳволимиз не кечар эди? — дейди навоийлик кекса отахон Аҳмад Худойназаров. — Ер олгач, яна деҳқончиликка уннадик. Шунинг орқасидан дастурхонимиз тўкинлашди, уйимизга, қишлоғимизга файз кирди...

Шахсий томорқа хўжалиги тарихи билан боғлиқ воқеаларни ўрганганда биз бу иш ўз вақтида жуда оғир кўчганига қайта-қайта иқрор бўлдик.

II

1990 йилнинг 12-13 майида «Труд» газетаси «Ишсизлик: афсоналар ва ҳақиқий аҳвол» деган давомли мақола эълон қилади. Муаллиф Ўзбекистонда, республика раҳбари таъкидлагандек, бир миллион ишсиз борлигини қатъиян рад этади ва бу — марказдан мўмай пул ундириш учун ўйлаб топилган уйдирма, деган даъвони илгари суради. «Правда», «Мегаполис-экспресс» газеталари эса «Қотмаган кўнгиллар», «Ислом Каримовнинг ўзбеклар иши» каби қатор мақолалар чоп этиб, аҳолининг камбағал қисмини ижтимоий ҳимоя этишга қаратилган хайрли ишларни шубҳа остига олади, Ўзбекистонни ***«локомотивдан узилиб қолган вагон»,*** яъни иттифоқдан ажралиб қолган республика, деб масалага сиёсий тус беради.

«Ўзбекистон Президентининг одамлар ва республика манфаатларини узвий боғлашга, умуман, жамиятнинг маънавий негизларини сақлаб қолишга, иқтисодиёт ва сиёсатда бошбошдоқликка йўл қўймасликка қаратилган сиёсатини тушунмаслик оқибатида, гоҳида эса қасддан... оқни қора, қорани оқ дейишгача етиб борилмоқда», — деб ёзган эди 1991 йилнинг 3 июлида «Рабочая трибуна» газетаси. Лекин Ўзбекистон раҳбари тоталитар режимнинг қиличидан қон томиб турган ўша даврда ўз йўлидаги тўсиқ ва сиёсий ғовларни, турли даражадаги қаршиликларни қатъият билан енгиб ўтиб, ўзи кўзда тутган эзгу мақсадни тўла амалга оширди.

«Мен жаноб Горбачевнинг давлат кенгаши мажлисидаги сўзларини эслайман, — деб ҳикоя қилади кейинчалик Президент Ислом Каримов москвалик журналистларга. — **Мана бунга қаранглар, деган эди мени кўрсатиб, ҳозир унинг боши шухратга чулғаниб турибди, у ер бера бошлади, энди уни илоҳийлаштиришади...»** («Труд» газетаси, 1993 йилнинг 26 майи).

Албатта, бу эзгу ҳаракат обрў топиш ёки шон-шуҳрат учун эмас, балки ўтиш даврининг машаққатли муаммоларини ечиш, республикада ижтимоий ларза юз бермаслиги учун узоқни кўзлаб қилинган иш эди. **«Агар биз пахта пайкалларини кескин қисқартирмаганимизда, юз минглаб гектар ерларни деҳқонларга, шаҳарликларга бўлиб бермаганимизда, кейинчалик аҳвол янада кескинлашар, эҳтимол, очарчиликни, бир эмас, бир неча Фарғона фожиаларини бошдан кечирган бўлар эдик,** — дейди Ўзбекистон раҳбари «Рабочая трибуна» газетаси мухбирига 1991 йилнинг 3 июлида. — **Биз марказий ва маҳаллий ҳокимият тизимларининг қаттиқ қаршилигини енгиб ўтиб, халқимизга таянч бўлган ана шу ишларни амалга оширдик».**

Аҳолига ер беришга қаршилик энг аввало Ўзбекистонимизнинг ўзида бошланган.

Ўша пайтда давлат агросаноат комитетига раҳбарлик қилган И.Жўрабековнинг ҳикоя қилишича, республика ҳукумати раиси Ғ. Қодиров: *«Москвадан сўрамай, ерни деҳқонларга бўлиб бериш мумкин эмас!»* — деб ҳисоблаган.

Табиийки, ундан қуйи лавозимда ишлаётган раҳбарларда бу фикр янада қатъий бўлган. Ҳатто: *«Бу одам бизни оловга тиқиб юбориб, ўзини четга олса, кейин нима бўлади?»* — деган қушюрак кимсалар ҳам топилган. Албатта, улар ўз халқига яхшилик қилиш қўлидан келмагани учун эмас, балки амалидан айрилиб қолишдан қўрққани учун шундай йўл тутишган. Қаранг, ахир бу гап ёзда бўлаётир, бу пайтда: «Ер» деса, одамларнинг кўз олдига нима келган?

Табиийки, ям-яшил пахтазор.

Ўша даврда пахта экилган ерларни одамларга томорқа сифатида бўлиб бериш тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган сиёсий хато бўлиб туюлган. Гарчи Сталин аллақачон ўлган бўлса-да, унинг қақшатқич ғазаби пахта сиёсатида ўша кунларга қадар яшаб келмадими, ахир?..

Албатта, бу мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг, қаршиликларнинг зоҳирий кўриниши, холос. Яна бир қийинчилик шундан иборат эдики, республиканинг биринчи раҳбари ҳали янги, ҳали ўз «команда»сини шакллантириб улгурмаган эди.

Халқни шу кўйга солган, ҳар қандай ижобий ташаббусни синдириб ташлашга қодир бўлган эски бюрократия эса ерга оёқни маҳкам тираб, ўз жойида муқим ўтирар, уларни жон-дилдан қўллаб-қувватловчилар Марказда истаганча топилар эди. Шу билан бирга инсоф ва адолатга, одамийликка ёт бўлган чиркин иллатлар, яъни порахўрлик, таъмагирлик, қаллоблик ҳам чуқур илдиз отган эди. Аксарият амалдорлар фақат ўз манфаатинигина ўйлар, «Мен ҳам шу халққа мансубман-ку!» — деган туйғу уларга тамомила бегона эди. Шу боис ер оламан деган **«кишилар бюрократик аппаратнинг барча тўсиқларидан ўтишга мажбур,** — деб қуюнади Ислом Каримов 1989 йилнинг 19 августида. — **Уларнинг йўлида қанчадан-қанча амалдорлар ва тўралар учраяпти! Бу ерда порахўрлик ҳам, қонунсизлик ҳам, мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини батамом тушунмаслик ҳам мавжуд. Партия ва совет органлари эса бу аҳволга кўникиб қолишган. Бизга шу хусусда кўплаб хатлар келмоқда, уларда одамларнинг арз-додлари битилган. Одамлар ер участкалари ажратиб берилаётганида пора бериш ва пора олиш расм бўлиб қолганини, жойларда эса ҳаддидан ошиб кетган амалдорларга ҳеч ким зарба бермаётганини айтмоқдалар.**

Батамом бошқача ёндашувлар зарур, йўлимизга ғов бўлаётган барча нарсаларга қарши, биз билан халқ ўртасига раҳна солаётганларга қарши ҳақиқий жанг бошлаш керак...

Одамларни бюрократик аппаратнинг ўзбошимчалигидан ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилишларини таъминлаш даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура, суд инсоннинг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий адолатни ҳимоя қилишга отланишлари керак.

Халқ биздан шуни талаб қилмоқда».

III

— Кўриб турасиз, ҳар бир ҳовлида олти-етти оила тиқилиб қолган. Биласиз, бундай шароитда яшаш мумкин эмас. Болали-чақали оилалар янги уй солиб чиқиб кетишлари керак. Қолаверса, улар шу колхознинг аъзоси, уй-жой қуриш учун ҳақ-ҳуқуқи бор, аммо хўжаликнинг икки минг гектардан ошиқ пахта даласининг бир қаричини ҳам бировга бериш мумкин эмас эди, — деб эслайди Олтиариқ туманидаги собиқ М.Горький номли жамоа хўжалигининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси Мамазокир Сотволдиев. — Сиёсат шундай бўлган. Уй-жой солиш, томорқа учун ер бериш қатъиян таъқиқланган. Шунинг учун ҳам 1989 йили давлатимиз раҳбари томорқа берилсин, деб қарор чиқариб, унинг ижросини талаб қилганида раислар шошиб қолган, айримлар ҳатто очиқ қарши чиққан, «Нима, колхоз ерсиз қоладими? Кейин пахтани қаерга экамиз?» — деб оёқ тираб турган.

«Аҳолини иш билан таъминлаш керак! Одамларга томорқа беринглар!» — деб Ислом Каримов катта йиғинларда қайта-қайта уқтирган, буни ўз қулоғимиз билан эшитиб турсак-да, топшириқни бажаришга юрагимиз дов бермаган. Чунки замон оғир, сиёсатга ишонч қолмаган, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмас эди.

Ахийри бизни ижроқўмга чақириб, тоза сиқувга олишди, эртаси куни яна шу масала қаттиқ муҳокама қилинди, ҳатто ҳайфсан беришди, шунда ҳам сиёсат ўзгарганига одамнинг ишонгиси келмайди. Юрак ютиб, 100 та оилага 12 сотихдан ер ўлчаб бердик.

Томорқани олгач, бири ўзини экинтикинга урди, бири боғ яратди, бири уй қурди, ишқилиб, меҳнат қиламан деган одам иш билан банд бўлди-қолди.

Кишилар ўз ҳаётларини тиклай бошлади. Ерга муносабат ўзгарди. Мана, ҳозир ҳар йили уч марта ҳосил оламиз. Шунинг орқасидан болаларни уйлижойли қилдик, ҳажга бордик, дастурхонимиз тўкин-сочин, қут-барака дегандай...

— Мен ҳафтада бир кун меҳнаткашларни қабул қилар эдим, — деб ҳикоя қилади ўша йилларда Олтиариқ туман ижроия қўмитаси раиси бўлган Абдуфаттоҳ Содиқов. — Арз билан келган 50-60 одамнинг деярли барчаси бир ҳовлида беш-олти оила тиқилиб қолганини айтиб, уй-жой қуриш учун ер сўрар эди. Лекин амалдаги тартибга биноан отлиққа ҳам ер бериб бўлмасди, аксинча, кўкламда уйма-уй юриб, қайта-қайта томорқаларни ўлчардик, кимдакимнинг отамерос ери 15-16 сотих бўлса, унинг 12 сотихдан ортиғини кесиб олардик-да, пахта экиб ташлардик.

Эндигина иш бошлаган Ислом Каримовнинг аҳолига ер бериш сиёсати, бу тарихий ҳодиса, афсуски, ҳозирча ўзининг ҳаққоний баҳосини олган эмас. Ҳолбуки, ўша талотўп йилларда бу ишни амалга ошириш жуда оғир кечганига ўзим гувоҳман.

Бир мисол: биз Горький номли колхоз раҳбарларини йиғиб: «Хўш, томорқага талабгорлар эҳтиёжини қондириш учун қанча ер ажратиш керак?» — деб сўраганмиз. Шунда, улар: «Ҳисоб-китобга кўра, 450 гектар», дейишган. Президент масалани жойида ўрганиб, жойида ечинглар, дегани учун бориб ўргандик, қаранг, хўжалик ўз аъзолари талабини қондириши учун аслида 700 гектар суғориладиган ер ажратиш зарур экан.

Хўш, нима учун булар мана шу ҳақиқатни яшириб, кам ер сўраган? Чунки: «Эртага нима бўлади? Сиёсат ўзгариб кетса, айбдор бўлиб, қамалиб кетмаймизми?» — деб қўрқишган.

Бировнинг гапига биров қулоқ солмайдиган ўша замонда давлатимиз раҳбари қаттиққўллик билан ижрони ҳар тарафлама, шахсан ўзи назорат қилиб турмаганида аҳвол ўзгармас эди. Ўша даврда пахта экиб қўйилган 1000 гектардан зиёд ёвонни одамларга бўлиб бериш айтишга осон, ука.

Президент туманимизга келган, шунда: «Бир пиёла чой ичинг», десак, у киши: «Халқ қандай яшаяпти? Томорқа масаласи узил-кесил ҳал этилдими?» — деб сўраган. «Топшириғингизни бажаряпмиз», — дедик. Шунда давлатимиз раҳбари бориб бозорни кўрмоқчи эканини айтди.

Бозор уч юз қадамча нарида эди.

Ўзлари яёв бориб, расталарни, нозне-ъматларни бир-бир кўздан кечирди, нарх-навони сўради, сўнг одамлар билан узоқ суҳбатлашди. Томорқа билан боғлиқ муаммоларни сўраб-суриштирди. Одамларнинг ҳаётдан рози эканини кўргач, бизга шундай топшириқ бердиларки, талабгорларга яна қўшимча томорқа ажратдик. Халқнинг қувончини кўрсангиз энди...

Давлатимиз раҳбари оғир пайтларда одамларни ёлғизлатиб қўймади, халқнинг оғирини енгил қилди, жамиятни олдинга силжитди. Ўша даврда бу — довюраклик ва жасорат, ўз келажагини, ўз ҳаётини гаровга қўйишни тақозо этар эди. Сиз билан бизни деб, элу юртни деб у одам шу йўлни тутган...

Ишонсангиз, 1989 йилгача бутун аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд 2000 гектар атрофида бўлган бўлса, ўша йилнинг ўзида яна 7631 нафар оилага қарийб 1500 гектар ер томорқа сифатида бўлиб берилди.

Уйим-жойим, болам-чақам, деган одамлар томорқанинг орқасидан қаддини кўтариб олди.

Ўз томорқасида бир неъмат етиштириб, оиласини, эл-юртини ризқ-рўз билан таъмин этаётган деҳқон мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлади-да...

— Фаттоҳ ака ижроқўмга чақириб: «Тезлик билан аҳолига томорқа бериш керак!» — деганида қулоқларимга ишонмаганман, — деб эслайди Полосон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турғуной Отақулова. — Куни кеча хўжалик дафтари бўйича уйма-уй юриб, томорқаларни қайта ўлчаб, агар у 12 сотихдан ошиқ бўлса, «Деворни буз, трактор кирит, ҳайдаб ташла, чигит эк, колхоз ҳисобига ўтказ», — деб юрган бўлсак, қандай қилиб бугун пахта экилган далани одамларга томорқа қилиб бўлиб берасан?! Каловланиб, нима қилишни билмай, кунни кеч қилдик. Оқшом яна бизни ижроқўмга чақиришди. «Нима учун ҳукумат қарорини бажармайсан?» — дейишди. «Қандай қилиб пахтазорни одамларга бўлиб берамиз?» — дедик. «Бўлиб бер!» — дейишди. «Кейин пахтани қаерга экамиз?» — деб сўрадик. Шундан сўнг бизга қаттиқ ҳайфсан беришди.

Ҳайфсан олган билан зиғирча хафа бўлганим йўқ, аксинча, ўзидан-ўзи кўнглим тўлиб, нимагадир йиғлагим келарди. Кечаси билан ухламай, ҳисоб-китоб қилиб чиқдик-да, тонг саҳардан аҳолига 7-12 сотихдан томорқа тарқатдик. Ростини айтганда, 12 сотихдан ортиқ ер беришга қўрқдик, лекин одамлар шунга ҳам хурсанд эди. Биз эса ҳамон: «Нималар бўляпти ўзи? Қилаётган ишимиз тўғрими ёки нотўғрими? Эрта бир кун жавобгар бўлиб қолмаймизми?» — деган хавотирда эдик.

Одамлар ер теккан ҳамоно уни ўраб олишган, кўпчилик, уй қураман, деб шу куннинг ўзида пойдеворга тош ташлатган.

Айрим хўжалик раҳбарлари ҳатто ҳайфсан олганидан сўнг ҳам бир неча ой ишни орқага ташлаб юришган, замон оғир эди-да, «Куйиб қолмайлик», — дейишган. Лекин Президент қаттиқ туриб, ўз фикрини ўтказди. Ишонсангиз, мана шу иш кишиларимизни кўп балолардан асраб қолди.

— Мен биринчилардан бўлиб томорқа олганман, — деб ҳикоя қилади деҳқон хўжалиги раҳбари, полосонлик Нўъмонжон Низомов. — 18 сотих ерда узум етиштирамиз, ҳар йили 6-8 тонна ҳосил кўтариб, шунинг барчасини чет элга чиқарамиз. Ҳосил кўтарилгач, ўғилларим юк машиналарига узумни юклаб, Россияга йўл олишади, ҳам тижорат, ҳам саёҳат. Дунёни кўриб, айланиб қайтишади. Ҳар йили камида бир миллион сўм даромад қилишади.

Мана шу томорқанинг орқасидан уч қизимни чиқардим, тўрт ўғлимни уйлантириб, ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Болаларим ерга, меҳнатга боғланиб ўсди, тўғри тарбия топишди. Қўлим бўшади дегунча ўғил-қизларимникига бир-бир кириб чиқаман, қачон қарасангиз, ўз томорқасида, токларнинг остига ишлов бераётган ёки бўлмаса, хомток қилаётган бўлишади. Мен ҳам невараларимни атрофимга йиғиб, ўғлимга ёрдам берган бўламан, ток парваришига уннайман. Невараларим меҳнатга астойдил андармон бўлганини кўриб, Яратганга минг марта шукрона айтаман. Ахир, одамга яна нима керак?..

IV

Олтиариқ туманида 31610 оила бўлса, уларнинг тасарруфида 4407 гектар шахсий томорқа мавжуд. Шу билан бирга кейинги йилларда 1175 гектар янги боғроғлар барпо этилган.

Ўтган йили деҳқонлар шахсий томорқа хўжаликларида қарийб 36 минг тонна бодринг, 10 минг тонна турп ва шолғом, 3 минг тонна анор ва хурмо, 3 минг тонна буғдой ва узум, яхлит олганда 53500 тонна ноз-неъмат етиштирдилар, шунинг бир қисми хорижга чиқарилди, жами 10 миллиард 815 минг сўм даромад қилинди...

Наманганлик С. Бойхонов 10 сотих шахсий томорқасида сабзавот етиштириб, ҳар йили 1 миллион сўмдан ошиқ, уйчилик М. Отахонов эса хурмо кўчати етиштириб, йилига 1,5 миллион сўм даромад қилади. Бундай мисолларни ҳар бир вилоятдан истаганча келтириш мумкин.

Томорқа яна хусусий мулкка, моддий неъмат яратиш ва турмушни фаровон этиш манбаига айланди. Қўли гул деҳқон она ерга меҳрини бериб, саховатли заминимиздан мўъжизалар яратмоқда, ўзининг худо берган иқтидорини намоён этмоқда.

1989 йилнинг ёзида Ўзбекистоннинг янги раҳбари қатъият билан бошлаган теран ва кенг кўламли ўзгаришлар республика ҳаётида янги бир даврни бошлаб бериш билан бирга мустақиллик ва эркинлик сари ташланган дадил ва жасоратли қадамлар бўлди. «Известия» газетаси мухбири 1990 йилнинг 11 июлида айтган қуйидаги фикр ҳам шунинг тасдиғидир: ***«Кейинги бир-икки йил ичида Ўзбекистон кўпроқ суверенитет ва мустақиллик томон аниқ қадамлар ташламоқда».***

V

1989 йилнинг ёзида Хонқа туманида 641 оила истиқомат қиладиган янги Хонқаобод маҳалласи қад ростлади. Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалигида эса беш юздан зиёд янги уй қурилди. Бундай маҳалла ва янги қишлоқлар ҳар бир туманда, ҳар бир шаҳарда қад ростлагани, янги хонадонларда кетма-кет уй тўйлари бўлиб ўтгани бор ҳақиқатдир. **«Биз фақат ер ажратиш билан чегараланиб қолмаймиз,** — дея таъкидлаган эди Ислом Каримов 1989 йилнинг 27 сентябрида. — **Иморат қурувчиларни барча керакли имтиёзлар, қарзга бериладиган маблағлар ва энг асосийси — бинокорлик материаллари билан таъминлашни ҳам ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз».** («Совет Ўзбекистони» газетаси).

Ўзбекистоннинг янги раҳбари миллий муносабатлар ва ижтимоий ўзгаришлар мураккаблашган, иттифоқдош республикалар, уларнинг саноат корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик барҳам топаётган, оқибатда, айниқса, қурилиш материаллари ғоят тақчиллашган бир даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёғоч, фанер, тахта, шифер ва бошқа бинокорлик материалларига айирбошлаш, эҳтиёжталаб маҳсулот етиштирувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ҳақида кўрсатма беради, шундан келиб чиқиб, хоразмликлар Иркутск вилояти билан, фарғоналиклар ва самарқандликлар Россиянинг бошқа вилоятлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида ишни йўлга қўяди.

Фарғона вилоятида жамоа хўжаликлари ўз аъзоларига уй-жой қуриб беришда амалий ёрдам кўрсатади. Бу ҳаракат республика бўйлаб кенг ёйилади. Фақат уй-жой қурилишига Тошкент авиасозлик заводи 190 минг сўм, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 108 минг сўм, кимё машинасозлик заводи 74 минг сўм, республика ҳукумати эса 187 миллион сўм кредит ажратади. Шу тариқа йил охирига қадар қарийб 5 миллион квадрат метр янги турар жой бинолари бунёд этилади.

1990 йилнинг 28 июлида Ислом Каримов мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай, турмушга файз киритувчи яна бир эзгу ҳаракатни бошлаб беради: қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш ҳақидаги Фармонга имзо чекади.

Агар, ёдингизда бўлса, ўша даврда Газлидан чиқаётган газ Урал саноат корхоналарию Европанинг олис шаҳарларига қадар етиб борган, аммо Газлига туташ бўлган туман марказларида, Ўзбекистон қишлоқларида ҳамон ўчоқда ғўзапоя ёқилар, «тоза ичимлик суви» деган тушунча ҳатто одамларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Ўша йилдан бошлаб давлат дастури асосида қишлоқларда сув иншоотлари, магистрал газ ва сув йўналишлари, тоза ичимлик суви етказувчи тармоқлар қурила бошландики, натижада унинг бир учи Орол бўйидаги Мўйноқа довур етиб борди...

1991 йилнинг 11 январида бу борадаги кенг кўламли ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Президент ***«Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»***ги Фармонга имзо чекади. Мазкур Фармонга асосан яна 1 миллион 221 минг 477 оилага 137 минг 246 гектар суғориладиган ер қўшимча томорқа сифатида бўлиб берилади.

«Ҳар бир киши шуни аниқ-равшан тушуниб олиши керакки, биз барчамиз ўзимиз ўтирган қайиқни лопиллатиб чайқалтиришимиз эмас, балки уни тўғри ва қатъий йўлдан манзилга элтишимиз лозим, — деб уқтиради Ислом Каримов 1989 йил 27 сентябрида. — **Қатъиятсизликни ҳаётнинг ўзи рад этмоқда. Бизнинг вазифамиз — одамларга елкадош бўлишдир. Бугун шу мақсад йўлида қанча кўп, астойдил ҳаракат қилсак, эртага у шунча кўп амалий самара беради. Бусиз келажакни яратиб бўлмайди»** («Правда Востока» газетаси).

Қишлоқдаги ўзгаришлар ҳам, деҳқон хўжалигини тиклаш ҳам бундан роппа-роса ўн икки йил муқаддам юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида давлатимиз раҳбари томонидан шиддат билан бошланган кенг қамровли ишларнинг таркибига киради. Ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган бу мавзунинг ўзи, бу борада амалга оширилган ишлар кўлами шу қадар кенг ва серқирраки, биз унинг айрим жиҳатларигагина тўхталиб ўтдик, холос.

Ҳолбуки, 1991 йили Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра Республика шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари ассоциацияси ташкил топган. Кейинчалик у Деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциациясига айланган, содда қилиб айтганда, томорқа, шахсий ёрдамчи хўжаликлар замирида аста-секин деҳқон ва фермер хўжаликлари юзага келган. Деҳқон хўжаликларини имтиёзли солиққа тортишга оид амалдаги қоидалар ишлаб чиқилган, хўжалик аъзоларига нафақа ва пенсия олиш ҳуқуқи берилган. Уларга, шунингдек, фермер хўжаликларига ўзлари етиштирган маҳсулотни экспорт қилиши учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилган.

Бутун мамлакатда қайта рўйхатдан ўтган 1 миллион 798 мингдан ошиқ деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатаётган экан, бу шўро тузуми даврида қатъият ва жасорат билан амалга оширилган эзгу ишларнинг ҳаётий натижаси, албатта.

Яқин тарихимизнинг ҳаяжонли ва унутилмас саҳифалари бўлмиш бу жараён навбатдаги ҳикояларга мавзу бўлгуликдир.

■ **Ғаффор ҲОТАМОВ,**
Қуддус АЪЗАМОВ

СИЁСИЙ МУШОҲАДА

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ НЕГИЗЛАРИ

Маълумки, халқимиз ўз тарихида ҳар хил ижтимоий воқеаларни, давлатчиликнинг турли кўринишларини бошдан ўтказган. Унинг уч минг йиллик тарихи Ўзбекистон йўқ жойдан ўзининг миллий мустақил давлатчилигини қурмаётганлигини кўрсатади ва шу билан ҳам айрим давлатлардан фарқ қилади.

Мамлакатимиз тарихида илк давлатчилик жараёнлари милоддан аввалги 2 минг йил ўрталарида деҳқончилик ва чорвачилик маданияти ривожланиши асосида бошланган. Чунки бу даврда инсон билан боғлиқ бўлган масалалар алоҳида аҳамият касб этган. Ислом динигача бўлган даврларда илгари сурилган ғояларда асосан зардуштийлик дини, унинг ноёб китоби «Авесто» муҳим ўринга эга бўлган. Давлатчиликни ўрганишда Аҳамонийлар даврини, юнон-македонлари даврини, Кушонлар ва Эфталитлар, Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар истилоси даври, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Хива хонлиги, рус истилоси даври, собиқ совет мустамлакачилик даври билан боғлиқ мураккаб ва зиддиятли ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда давлатчилигимиз ривожини ўрганишимиз мумкин.

Дастлабки давлатлар нисбатан кичик ҳудудларда зич ҳолатда бўлган, маълум бир ишлов бериладиган ва суғориш тизимига эга бўлган ерларни қамраб олганлар. Чунки бу давлатлар асосан деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган. Демак, маълум бир ҳудудда ўзларига, яъни ўша давлат таркибига кирган халқларнинг ўзлари учун зарур бўлган деҳқончилик, чорвачилик тизимлари яратилган. Бу тизим нафақат чорвачилик, деҳқончиликни ташкил этиш, балки ташқи босқинчилардан ҳимоялаш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариш каби муҳим ҳаётий масалаларини ечишда зарур бўлган дейиш мумкин. Бу масалаларни ҳал этиш жамоадаги ҳурматга эга бўлган кишиларни — йўлбошчиларни юзага чиқарди. Бу кишилар ўша жамоанинг ижтимоий-сиёсий фикрларидан келиб чиқиб, ягона манфаат — ғоялар атрофига бирлаштирилган, жамият ривожига ҳисса қўшган. Давлат бошқарувида турли хил услублардан фойдаланилган. Улар бир-бирига айнан ўхшамаган бўлса-да, мақсад ва манфаатларида умумий ўхшаш нуқталар борлигини қайд этиш лозим.

Македонияликларнинг олиб борган сиёсатига маҳаллий халқларнинг удум-анъаналари, ижтимоий-сиёсий фикрлари уйғунлашиб кетган. Бу жараённи араблар истилосидан кейин ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, юнонлар ўз таркибига киритган қадимги шарқ мамлакатлари маданиятларини қабул қилдилар. Бу ўз навбатида Шарқнинг ижтимоий-сиёсий тарихида ўзига хос аҳамиятга эга. Ислом дини ва анъаналари халқимизнинг миллий турмуш тарзи, анъана ва қарашлари билан уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз.

Жамият мафкурасининг муҳим устунларидан бири халқимизнинг тарихий хотираси бой илмий ва маданий-маънавий меросга эга эканлиги, буни нафақат биз, балки бутун дунё халқлари эътироф этмоқда.

Миллий мафкурамизнинг таянчларидан бири ҳам илмий-маданий меросимиз бўлиб, у ўз даврида қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Президентимиз бу ҳақда «Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан- қанча авлодларнинг маънавий руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва ҳамон таъсир кўрсатмоқда» деган эди. Давлатчилигимиз ривожида икки муҳим қонуният — миллий-маънавий негизлар билан боғлиқ бўлган қонуниятлар ва давлатчиликнинг миллий ғоявий негизлари тамойиллари билан уйғун ҳолда ўзига хос тарзда намоён бўлиб келганлигини кўрамиз. Албатта, бу қонуният инкор этилган даврлар ҳам давлатчилигимизда ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаганлиги маълум.

Ўзбекистон халқи ўзининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олди, ўзининг миллий-маънавий негизларига ҳамда дунёда эътироф этилган тамойиллар асосида эркин, демократик, кучли фуқаролик жамиятни қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Ана шу давлатчилик негизлари акс этган фалсафий, сиёсий манбаларни Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқа алломаларнинг асарларидан ўрганиш мумкин.

■ **Шароф ЭРМАТОВ,**
Қарши давлат университети илмий тадқиқотчиси

МАҚСАД — БОЛАЛИКНИ УЛУҒЛАШ

Таълим соҳасида юритилаётган ислоҳотларни амалга ошириш, миллий кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 295-мактабда иқтидорли ўқувчиларнинг жаҳон андозалари даражасида таҳсил олишлари ва малакали кадрлар бўлиб етишишларида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда.

1786 нафар ёш замон талаблари даражасида билим олишлари учун мактабда барча шароит яратилган. Жумладан, она тили, математика, тарих ва чет тилига ихтисослашган синфлар ташкил қилинган.

Ўқув даргоҳи республикамиздаги япон тилига ихтисослаштирилган ягона мактаб бўлиб, унда умумий таълим билан бир қаторда япон тили, маданияти, урф-одатлари ҳамда кадрлар тизимидаги барча янгилик ва имкониятлар билан таништирилиб борилади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Японияда-ги бир нечта мактаблар билан яқин алоқа ўрнатиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик риштасининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Болалар ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун мактабда «Гулшан» болалар оромгоҳи ташкил этилган бўлиб, бу ерда юз нафар ўқувчи 18 кун мобайнида мириқиб дам олиш билан бирга турли тўгараклар, ўйинлар ва саёҳатлардан баҳраманд бўлишади. Бундан кўзланган ният болаларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш, яхши ҳордиқ чиқаришларини таъминлашдан иборат.

Куни кеча ушбу оромгоҳда дам олаётган болалар иштирокида мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган тадбир кечаси бўлиб ўтди.

— Ушбу кечани ўтказишдан мақсад — болаликни улуғлаш, униб-ўсаётган ёш авлод онгига истиқлол руҳини кучлироқ сингдириш, тинч, озод юртимиз равнақини таъминлаётган ҳукуматимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигини яна бир бор ўқувчиларга англатишдир,— деди мактаб директори ўринбосари Зебо Зиёмуҳаммедова.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратларда: *байрам тадбиридан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ИШЛАГАН ОТДА, ИШЛАМАГАН ЯЁВ...

бугунги куннинг талаби ана шундай



Қибрай тумани ҳақида эшитмаган одам кам топилади. Туман нафақат вилоятда, балки республика ишлаб чиқариш салоҳиятида ҳам ўз нуфузига эга. Лоф демангу мана-ман деган шоир-ёзувчиларнинг энг сара асарлари ҳам айнан шу ерда, аниқроғи, тумандаги Дўрмон ёзувчилар боғида туғилган.

Истиқлол йилларида туман янада чирой очди, табиий ва ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди. Бу катта ўзгаришлар ва янгиланишлар силсиласи тумандаги «Маданият» ширкат хўжалигида ҳам ўз ифодасини топган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва давлат шартномавий режаларини ошириб бажаришда хўжалик миришкорлари юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу йил 270 гектар майдонда ғалланинг «Маржон», «Купава», «Унумли» навлари етиштирилди. Хўжалик 600 дан зиёд аъзони бирлаштирган бўлиб, сабзавот етиштириш борасида 500 дан зиёд оилавий пудратчи билан шартнома имзолаган. Мева ва сабзавотлар 600 гектар майдонда етиштирилмоқда. Бу борада турли ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ширкатга айланиш арафасида хўжаликнинг асосий воситалари қайта ҳисобланганда 35 миллион 314 минг сўмни ташкил этди. Ширкат усули ишга ва ерга бўлган муносабатнинг ўзгаришига сабаб бўлди, унумдорлик бир неча баробарга ортди. 1999 йилда соф фойда 9 миллион 669 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган 2000 йилда, хўжалик ширкатга айланганидан сўнг бу кўрсаткич 37 миллион 859 минг сўмга етди. Тўловнинг чек усули деҳқонга бирмунча енгиллик яратиб, ишчанлик ва манфаатдорлик омили бўлмоқда. Эндиликда деҳқон ўз хизматига яраша ҳақ олишини, юқори ҳосилдорлик қут-барака рамзи эканлигини англаб етди. Ана шу сабаб хўжалик миришкорлари жорий йилда 60 миллион сўм соф фойда олиш ниятида тер тўкишмоқда. Дастлабки натижалар марра эгалланишидан дарак бераётир. Ўтган йилда ғалла ҳосилдорлиги гектарига 40 центнерни ташкил қилган бўлса, бу йил 45-50 центнер мўлжалланмоқда. Айни вақтда хўжалик далаларида ғалла мавсуми уюшқоқлик билан давом этаяпти, ўрим-йиғимда қатнашаётганлар учун барча шарт-шароит муҳайё.

Хўжаликнинг 200 гектардан зиёд боғи ижарага берилган. Ўтган йили шаҳарликлар дастурхонига 4 минг 540 тонна сабзавот, 650 тонна мева, 310 тонна узум, 400 тонна картошка етказиб берилди. Иссиқхоналар аввалги йилларга нисбатан 2,5 гектарга кенгайтирилди. Бу эса қиш мавсумида ҳам аҳолини тайёр маҳсулот билан таъминлаш имконини берди. Гўшт ва сут маҳсулоти етказиб бериш борасидаги кўрсаткичлар ҳам эътиборга молик. Озуқа экинлари учун 70 гектар майдон ажратилган.

Ширкат хўжалигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишлари ҳам кўнгилдагидек. Ўтган вақт мобайнида 1000 га яқин яшовчилар ер участкалари билан таъминланди. Кўплаб маиший хизмат шаҳобчалари аҳоли хизматида.

— Аҳоли эҳтиёжини қондирмай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди, — дейди ширкат хўжалиги раҳбари Акмалжон Назаров. — Ана шу мақсадда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғини яхшилаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хўжалигимизда газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминланиш тўлиқ адо этилган. 40 ўринга мўлжалланган саломатликни тиклаш мажмуи, 4 та ўрта мактаб ва 2 та болалар боғчасини оталиққа олганмиз. Кам таъминланган ва қаровчисини йўқотган фуқаролар доимий эътиборимизда. 650 ўринга мўлжалланган ўрта мактаб биноси, 2500 ўринга мўлжалланган соғломлаштириш маскани мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилади.

Ҳа, хўжаликда амалий ишларга аллақачон ўтилгани рост. Бугунги тезкор жараёнлар, улкан ислоҳотлар шиддати ва биз кўзлаган улуғвор мақсадлар ишчанлик ва фидокорликни талаб этади. Бугуннинг йўриғи шу. Ким яхши ишласа, яхши яшайди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



«АН-124 РУСЛАН» ЁРДАМГА ШАЙ

Америкалик мутахассислар гуруҳи ҳаводаги тўқнашув натижасида 1 апрель куни Хитойнинг Хайнан оролига мажбуран қўнган АҚШнинг жосус самолётини мамлакатга қайтариш операциясини бошлади.

Хабарларга қараганда, самолётни қисмларга бўлиш жараёни бир неча ҳафтага чўзилади. Бу иш ниҳоясига етгач, бўлаклар Россиянинг «Полёт» авиакомпаниясига қарашли «Ан-124 Руслан» самолётига юкланади ва АҚШга олиб кетилади.

НЕФТЬ МОЖАРОСИ



Ироқнинг нефть экспортини тўхтатиши жаҳон «қора олтин» бозоридаги нарх-навога катта таъсир ўтказиб келмоқда.

Вазиятдан чиқиш учун АҚШ маъмурияти нефтни кўпайтиришни сўраб ОПЕК ташкилотига мурожаат қилди. Бу масала ОПЕКнинг 3 июлда бўлиб ўтадиган учрашувида кўриб чиқилади. Бироқ ҳозирча АҚШни нефть экспортини қанчага кўпайтириш қониқтира олиши тўғрисида маълумотлар йўқ.

КИМДИР НОНГА ЗОР, КИМДИР...

БМТ Афғонистонда очликдан қийналаётган аҳолини нон билан таъминлаш дастури доирасидаги ижтимоий ёрдамни тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда.

Бу ерда шу вақтгача мазкур дастур асосида 130 нонвойхона ишлаб келмоқда эди. Толиблар афғон аёлларининг ушбу нонвойхоналарда ишлашларини тақиқлаб қўйганлиги бунга сабаб бўлди. Уларнинг фикрича, ўзга дин вакиллари назорат қиладиган нонвойхоналарда аёлларнинг ишлаши диний ақидаларга тўғри келмас экан. Бунинг оқибатида 300 мингга яқин аҳоли очликдан азият чекмоқда.

Интернет хабарлари асосида Клара АБДУНАЗАРОВА тайёрлади

МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

МИЛИЦИЯ БОШЛИҒИНИНГ БЕҲАЛОВАТ КУНЛАРИ

(ОЧЕРК)

Ички ишлар хизмати шундай хизматки, ҳар бир ишга виждон билан ёндашилганда раҳмат олиш мумкин, озгина сусткашлик ёки лоқайдлик туфайли йиллаб, мисқоллаб йиғилган обрўдан ажралиш ҳам ҳеч гап эмас. Мамади ака Тошкент олий милиция мактабини битириб, шу соҳада ишлаётганига ҳам ўн олти йилдан ошди. Бу йиллар замирида умид билан шу даргоҳга қадам қўйган бир навқирон йигитнинг изланиш, ўрганиш, беҳаловат кун ва тунлари, қувончу ташвишлари, улғайиб, камолга етишуви мужассамлашган.

— Ўқишни битириб, йўлланма билан Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасига ишга келдим, — дейди у. — Шу соҳада муваффақиятли ишлаб кетаётганлигимнинг асосий сабаби дастлаб ҳақиқий устозга дуч келганим туфайли бўлса керак. Билимдон, доно, қаттиққўл ва адолатли инсон, милиция полковниги Маҳмуд ака Бекмуродовдан ўрганган ҳаёт сабоқлари ҳар куни менга хизматда ойдин йўл кўрсатиб туради. Иккинчидан, шу бошқармада ишлайдиган Шаҳодатхон билан севишиб турмуш қурганимиз ҳам менинг омадли эканлигимдан далолатдир. Чунки, бизнинг касбда турмуш ўртоғинг сени тушуниши, ҳатто баъзида оилавий манфаатдан хизмат манфаатининг устун қўйилиши лозимлигини билиши шарт.

Мамади Тўраев лейтенантликдан подполковник даражасига етган, оддий тезкор ходимликдан туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи лавозимига ҳалол меҳнати, билими ва тиришқоқлиги туфайлигина кўтарилган чинакам ҳуқуқ посбонларидан биридир.

Сўзлашганда суҳбатдошнинг билим-савияси нечоғлик эканлигини дарҳол пайқаб олади. Ўқимишли, зиёли киши бўлса, нафис адабиёт ва санъатдан, янги чоп этилган асарлар, шеърлар тўғрисида гурунг бошлайди. Оддийгина, кексароқ суҳбатдош тўғри келиб қолса, ҳадислардан, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий ҳикматларидан сўз очади. Қўл остидаги каттаю кичик ходимларни ҳурматлайди, уларга ишонади. Лекин, берилган топшириқ ижросини қаттиққўллик билан текширади. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг «Ишон, лекин шубҳа қил» деган сўзларини ён дафтарига битиб қўйибди...

●●●

Қизириқ туман ИИБ бошлиғи бўлиб иш бошлаган кезлари, икки оиладаги эркагу аёл ўзаро жанжаллашиб, унинг ҳузурига келишади. Улар қудалар бўлиб бир-биридан аламларини олиш учун биноийдай яшаб турган келин-куёвнинг пайига тушишган экан. Бошлиқ масала тафсилотини ўргангач, катта ёшдаги эркагу аёл эҳтиросларга берилиши ножоизлигини, ёшларнинг бахтини ўйлаш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини ётиғи билан тушунтиради.

— Аллоҳ рози бўлишини истасангиз, болаларингизга доимо адолатда бўлингиз! — дейилган ҳадисларда. Булар ажралиб кетишса, сизлар гуноҳга ботасизлар. Катталар ўзаро кечиримли бўлишлари керак, — деди бошлиқ.

Бундай гапларни кутмаган арзчилар анчайин мулзам бўлиб қолишди. Шундай бўлдики, улар шу жойдаёқ қўл беришиб, ярашиб чиқиб кетишди. Ҳамма чиққач, бир онахон дарҳол изига қайтиб, Тўраевга юзланди:

— Ойнамов, кўп доно сўзларни айтдингиз. Ҳеч ишонмаяпман, ўзи чинданам сиз начанник милисамисиз? Рост бўлса, яратган эгам ярлақасин сизни.

Тўраев момони кузатар экан, шундай дейди:

— Энажон, шуни билингки, милиция жанжал тарафдори эмас, тинчлик-хотиржамлик тарафдори...

... Милиция ходимлари, ишқуварлар ҳаётига бағишланган саргузашт фильмларини кўрганимизда ёки бадиий китобларни ўқиганимизда, кўпинча бу воқеалар тўқима, бўрттирилган, деб ўйлаймиз. Лекин, улар ҳаётига яқинроқдан назар ташласангиз, ҳақиқатан ҳам таҳликали, хавфли ва шовшувли воқеаларга дуч келасиз. Бундай воқеалар Тўраев иш фаолиятида кўп бор рўй берган. Бир тунда қизириқлик Мақсудовлар хонадонига тўрт ниқоб кийган кимса бостириб кириб, 75 минг сўм пул талаб қилишади. Пулни топишолмагач, бор-йўғи 5 мингни олиб жуфтакни ростлашади. Энг қизиғи, улардан илгарироқ ўргатилган овчарка итлари уйга кириб, бирор кишининг ҳам қимирлашига йўл қўймасдан «ушлаб» туради. Бу жиноятнинг очилиш тафсилотининг ўзи бир қисса бўлади. Гапни мухтасар қилиб айтмоқчимизки, Мамади Тўраев бир ярим кун ичида тўрт жиноятчини, уларнинг қуроллари ва «Ингус» лақабли ўргатилган итларини топади. Унга олдиндан шубҳа остига олиб юрилган кишиларнинг манзилларигача билиб қўйганлиги, кечалари ҳам одамлар билан учрашиб, ўтган-қайтганни суриштирганлиги қўл келади. Ўша тўданинг аввал қилган бир қанча жиноятлари ҳам фош этилади. Тўда бошлиғи, бойвачча йигит Тўраевга қараб: «Қамоқдан келган куним сен билан ҳисоблашаман...» деб пўписа қилади. Ҳақиқатан ҳам бир куни иккаласи бозор жойда рўбарў келишади ва ҳалиги собиқ жиноятчи катта лейтенант ўрнига подполковникни кўриб, серрайиб қолади. Бироздан сўнг изига бурилиб, негадир қочиб қолади...

●●●

Шу йилнинг 20 март кечаси Жарқўрғонда мудҳиш жиноят содир этилди. «Бозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раисининг муовини ўз уйида қўл-оёғи боғланган ҳолда ўлдириб кетилган. Туман милицияси, прокуратура, маҳалла фаоллари, посбонлар жиноятни очиш учун туну кун иш олиб бордилар.Тўраев ҳам 28 кун деярли уй юзини кўрмади. Йигирма саккизинчи куни тунги соат учларда жиноятчилар қўлга олингандан сўнг уйига бориб, ювиниб, соқолларини олибди. Уйғониб кетган кичкина ўғилчаси: «Дада, Тошкентдан менга нима олиб келдийиз?» деб чуғурлар эмиш...

●●●

Жарқўрғон билан Тожикистон Республикаси оралиғидаги чегара масофа саккиз чақиримдан ошиқ. Орамиздаги айрим олғирлар ана шу чегарадан бензин, дизель ёнилғиси, минерал ўғитларни хуфёна олиб ўтиш пайида бўладилар. Тўраев бу ерга ишга келгач, 10 дан ошиқроқ ана шундай жиноятчиларнинг пайи қирқилди. Бир воқеани айтсак, кўплар ишонмаслиги мумкин. Бир киши Мамади Тўраев ҳузурига келади ва янги лавозим билан табриклайди. Бир оздан сўнг мақсадга кўчиб қўяқолади. Яъни, у чегарадан ёнилғи олиб ўтиб турар экан (мўмай пул ишлаш учун, албатта). Агар янги бошлиқ қўллаб турса, уни ҳам қуруқ қўймаслигини шаъма қилади. Ғазабланган Тўраев ўрнидан туриб кетади ва суҳбатдошининг башарасига тик қараб шундай дейди:

— Сен ифлос шу юртда туғилиб, шу юртнинг бағрида болаларинг билан эркин нафас олиб туриб, яна унинг тузлиғига тупуриб юрибсанми ҳали. Йўқол, кўзимдан!

Дунёнинг ишларини қарангки, ўша киши ҳақиқатан яқинда қингир иш билан қўлга тушибди. Кўп миқдордаги ёнилғини Тожикистон чегарасига ўтказиб кетмоқчи бўлган экан, нобакор...

Мамади Тўраев бундай хиёнаткорларга ҳамиша шафқатсиз, муросасиз. Лекин, билмасдан енгилроқ гуноҳ иш қилиб қўлга тушган ёшлар бўлса, имкон қадар ёрдам кўрсатади. Яхши ўгитлари билан улар қалбига эзгулик ҳисларини жойлайди... Хоразмдан келган бир ёш йигитни унинг ҳузурига олиб киришди. Бечора йигит йиғлар, бегона жойда бўйнига катта жиноятни юклаб, қамашар, деб қўрқувдан даг-даг титрарди.

— Намунча кўз ёши тўкасан, бир пас тек тур, — деди Тўраев ярим хоразмча шевада.

Йигит сергак тортиб, унга термулди.

— Шовот туманини биласанми?

— Ховва ёшулли, ўзим Шовотданман!

— Бўйрачи қишлоғини-чи?

— Биламан.

— Ўша қишлоқда буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг қабрлари бор. Етиб боришинг билан шу муқаддас қабр пойига бир даста гул қўйиб, менинг номимдан муборак зот руҳларига ояти калим ўқиттиргин. Қўлингдан келадими шу иш?

— Галади, ёшулли, галади!

— Боравер, оқ йўл сенга!..

●●●

Мамади Тўраев энди қирчиллама қирқ икки ёшда. У ёшларни спортга жалб этиш билан бирга, ўзи ҳам моҳир футболчи сифатида танилган. Қизирикдаги унинг футбол жамоаси вилоятда ҳамиша биринчи ўринни олар эди. Бу йил Жарқўрғон ИИБ футбол жамоасини ҳам пешқадамликка олиб чиқди. Бундан ташқари ёшларнинг адабий-сиёсий мунозаралари ҳам усиз ўтмайди. Ўтган йили зиёлилар билан бўлган бир мунозарада замонамиз қаҳрамонлари, миллий қаҳрамон мавзуси кўтарилди. Ҳар ким ҳар хил фикр билдирди. Кўплар миллат қаҳрамони XXI асрда чиқса керак, деган тахминни айтди.

— Кечирасизлар-у, — деди Тўраев самимият билан, — миллий қаҳрамонимизни келаси замонлардан излашга умуман ҳожат йўқ. Ахир биз фахрланадиган, миллат учун ғурур-ифтихор бўладиган, буни жаҳон ҳам тан олиб турган миллий қаҳрамонимиз биринчи галда Президентимиз Ислом Каримовлар-ку! Мустақилликнинг меъмори бўлган бу инсоннинг қилган қаҳрамонона ишлари келгуси авлодларимиз учун ҳам сабоқ бўлади...

— Тавба, бу фикрларни нега олдинроқ биз айтмадик? — дегандай ўтирганлар бир-бирларига маънодор қараб қўйишди...

Мамади Тўраевнинг яна бир «хобби»си адабиёт ва санъатдир. Сурхондарёга ташриф буюрган ажойиб санъаткорлар, таниқли шоирлар билан учрашишга, уларни уйида бир пиёла чой ичишга кўндиришга ҳаракат қилади. Алишер Навоий, Бобур, Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни сел бўлиб эшитади. Унинг уч қиз, икки ўғли бор. Шулардан бири шоир, бирови санъаткор бўлишни орзу қилади. Бўш вақтларида фарзандларига тарих, адабиётдан саволлар беради, ўзи ёзган шеърлар, болаларининг машқларини ўқишади. Қарабсизки, оилавий мушоира бошланиб кетади.

Мамади Тўраевнинг эзгу орзуларидан яна бири шулки, мустақиллигимизга гард юқмаслиги, ватанимиз, халқимиз шуҳратига шуҳрат қўшилмоғи учун ёшлар Президентимиз ўгитларига яраша билимдон бўлишлари керак.

— Билимдон одам озодликнинг, юртнинг қадрига етади. Билимсизлик жаҳолатга ботиради, — дейди Тўраев.

Мустақиллигимизнинг, осуда ҳаётимизнинг посбонларидан бири Мамади Тўраев ана шундай садоқатли юртдошларимиздандир. Зеро, унинг ўзи ҳам ўқиб ўрганиб, мустақил Ватан бағрида камол топиб бормоқда.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МИЛЛАТ ВА ДУНЁ

ЧЕМПИОННИНГ ОНАСИ

Тун... Қатор қилиб солинган жойда болалар мириқиб ухлашаяпти. Она уйғоқ. Болаларига меҳр билан боқиб, усти бироз очилиб қолган ёлғизгина ўғлининг кўрпасини яхшилаб ўраб қўяркан, токчада турган соатга назар ташлади. Унинг миллари аллақачон тўхтаб қолганини кўргандан кейингина чиққиллаган овознинг эшитилмаётганини сезди. Шошиб ўрнидан турди.

«... Вой ўлмасам, соат тўхтаб қолипти. Неччи бўлдийкин? Ҳали замон тонг ёришиб қолмаса бўлди, ишқилиб кеч қолмайин-да, шоҳбекатгача пиёда анча йўл...»

Аёл рўмолини танғиди. Эшикни очиб ташқарига чиққанида эса юзига совуқ ҳаво урилди. Аёл янада сергак тортди. Болаларига бир бор қараб қўйиб, шошганича кўчага чиқди ва зимистон қўйнига шўнғиди.

Қадамларини янада тезлатар экан, осмонга оҳиста қараб қўйди. Тиккага келган тўлин ой унга жилмайиб боқар, қоронғида юрагига далда бўлаётгандай у билан бирга оҳиста сузар эди.

Қорасув бозори жуда эрта бошланади. Бугун икки марта бориб келишга улгуриши керак. Нима қилсин тирикчилик, жўжабирдай жон. Болаларининг отаси эртадан кечгача рулда. Ётиб еганга тоғ турмас, сал-пал бозорга аралашиб турса, ҳарна

турган коровулхонадан уйқусираб чиқиб келган чол аёлни кўриб кўзларини катта очиб сўради:

— Тинчликми қизим? Соат иккида бирор ёққа бормоқчимисиз?

— А... ростдан иккими? Вой ўлмасам, энди нима қилдим, соат тўхтаб қолган экан-да? Аёл яна шунча йўлни юриб ортга қайтишини, автобусни шу ерда кутишини билмай боши рўзғорига ёрдам...

Аёл хаёллар оғушида шоҳбекатга етиб келганини билмай қолди. Атроф жим-жит, на бирор йўловчи, на бирор автобус бор. Шу пайт бир чекадаги хира чироқ милтиллаб қотди. Хаёлига уйдаги болалари келди.

✧✧✧

Ўғил бола бўлса ҳам оилада Муҳаммадқодир биринчи бўлиб уйғонади. Бугун ҳам кўзини очдию онасининг ўрнида йўқлигини, бозорга кетганини тушунди. Ташқарига чиқиб юзини ювиб, қўлига пақир олганча оғилхона томон юрди. Ҳали замон онаси бозордан чарчаб келади. Опаси, сингиллари ҳали ёш, сигирнинг яқинига йўлай олмайди. У, биринчидан, оиладаги ягона ўғил бола, иккинчидан, сигирдан қўрқмайди, говмиш ҳам уни яхши танийди. Учинчидан, ҳали онаси келса роса қувонади.

Муҳаммадқодир сигирни соғиб оғилхонада яна бироз куймаланиб ташқарига чиққанида тонг оппоқ ёришган, опа-сингиллари ҳовлига сув сепишар эди. Тонгги ишларни саранжомлаб эрталабки чойга ўтиришди. Отаси Муҳаммадёқуб ака ишга шошилди. Муҳаммадқодир ҳозиргина сутнинг устини оппоқ дока билан ёпиб турган ҳам эдики, дарвозадан жил-

1

майиб онаси кириб келди. Атрофдаги озодаликни кўриб хурсанд бўлди.

— Яхши келдингизми, онажон? Мен сигирни соғиб қўйдим. Онажон, бугун тренерими эртароқ келинглар деган эди, бўпти мен борай.

✧✧✧

Она эрталаб ҳовлига кириб келган устози Марс Қўчқоров ва Муҳаммадқодир иккаласига дуо бериб сафарга, навбатдаги мусобақага жўнатди. Ҳар ҳолда чет мамлакат эди-да. Нима бўлди-ю икки кун ўтгач, Марс Галиевич уйга телефон қилиб қолса бўладими?!

— Вой, Марс Галиевич, қаердан қўнғироқ қиляпсиз? Муҳаммадқодир яхшими? — деди она шоша-пиша.

— Биласизми, — жуда яқиндан эшитилди унинг овози, — мен бора олмадим, рухсат беришмади. Муҳаммадқодир жамоадош дўстлари билан ўзи кетди, хавотир олманглар, худо хоҳласа, ғолиб бўлиб қайтади.

— Ўзингиз бирга борганингизда яхши бўларди, ёлғиз кетгани ёмон бўпти. Энди шериклари дейсиз-у барибир улар ҳали ёш, ишқилиб қайтишга йўлни билишармикин.

— Асло хавотир олманг, йўлни билишади, ҳамма жамоадош дўстлари бирга келишади, Муҳаммадқодир эсли бола.

— Тўғрику-я..

Эртаси эрталаб ишга кетган эри тушдан сўнг ҳовлиқиб кириб келди.

— Онаси, ҳой онаси, бўлинг мана бу хонага чиройли тўшаклар олиб чиқинг. Бугун ўғлимизнинг «жанги»ни тунда телевизордан кўрсатишар экан, барча қариндошлар тўпланиб бизникида кўрадиган бўлдик. Дадам ҳам чиқади, бўлинг, тайёргарлигингизни кўринг.

Хушхабардан боши осмонга етган она шошилиб уй ичига тўшаклар солар, меҳмонлар учун жой ҳозирлар экан, «ишқилиб ўғлим ғолиб бўлсин, уялиб қолмайлик», дея пичирлаб дуо қилди. Бир уй одам олдида ўғлимнинг юзи ёруғ бўлсин, дея ижтижо қилар эди.

Уйга биринчи бўлиб бобоси Абдулҳай Махсум кириб келди.

— Келин, ҳой келин, бугун Чўянқодирни (у Муҳаммадқодирни шундай дерди) кўрарканмиз-да.

2

Бир пайтлар қарши чиққан бўлса-да, Муҳаммадқодирнинг қатор-қатор зафарларини кўргач, энди ўзи ҳам бокснинг мухлисига айланган бобо набираси бирон мусобақага кетгудай бўлса қайтгунча дуо қилиб ўтирадиган бўлди.

Бирин-кетин бошқа қариндошлар ҳам кириб келишди. Уй бирпасда одамга тўлди. Меҳмонлар учун дастурхонга ул-бул ташиётган она учун соат миллари тўхтаб қолгандай. Ва ниҳоят кутилган дақиқалар бошланди. Экранда тинимсиз бир жойда туриб сакраётган ўғлини кўриши билан гўё ҳуши бошидан учди.

Жанг бошланди.

— Вой, вой, Муҳаммадқодир ўғлим, ўзингни эҳтиёт қил, ур, ур, — пойгакда ўтирган аёл хона тўла қариндошлари, айниқса, улар орасида қайнотаси борлигини ҳам унутиб, сурилиб телевизор тагига бориб қолибди.

— Муҳаммадёқуб, келинни сал тортиб қўй, ҳозир телевизор ичига кириб кетади, — деди Абдулҳай Махсум.

Барча кулиб юборди. Шундагина аёл ўзига келиб, яна пойгакдан жой олди. Бу орада учрашув ҳаками Муҳаммадқодирнинг қўлини юқори кўтарди.

✧✧✧

Муҳаммадқодирни уйлантиришди. Келинчакнинг оёқ-қўли чаққон чиқди. Қайнонаси, қайнсингиллари билан туғишгандек. Бу орада оилага янги меҳмон келиб қўшилди. Қизалоқ, қизалоқ кетидан оллоҳ бу хонадонга кўчқордек ўғил ҳам берди. Муҳаммадқодир эса мусобақаларда тинимсиз қатнашар, ғалаба кетидан ғалабага эришарди.

Вақт энг олий ҳакам деб бежиз айтишмаган, орадан бир неча ойлар турли машқлар ва турли мусобақалар ичра ғириллаб ўтиб кетди.

Муҳаммадқодир оиласига оллоҳ яна бир қизалоқ берди. Отасининг юлдузли кунларидан нишона сифатида чақалоққа Юлдузхон деб исм бердилар. Американинг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати учун учиб кетаётган Муҳаммадқодир бу хушхабарни тайёрагоҳда эшитди.

Инсонга бундан ортиқ бахт борми? Муҳаммадқодир шу топда чақалоқни жуда-жуда кўргиси келди. Телефондаги онасининг сўзларини эслади.

— Ўғлим, қизинг муборак бўлсин, буниси ҳам шунақанги ширинки кўзлари қоп-қора, киприкларини айтмайсанми, онасининг худди ўзи, келганингда кўрасан, тез-тез ютадиганингни ютиб қайтақол...

Онам бояқиш тоза қувонибди, хайрият, деб қўйди у. Олдинда эса жуда катта мусобақалар кутмоқда. Онаси айтгандек ютадиганларни тезроқ ютиб, уйга қайтишнинг ўзи бўлмайди. Машқ ва яна машқ. Машқларга зўр бериш керак. Шу тобда унинг руҳи беҳад кўтарилди: «Мен албатта ғолиб бўламан, жаҳонда биринчиликни олиб ғолиб бўлиб қайтгачгина сени қўлимга оламан, қизим».

Кичкина Юлдузнинг қадами қутлуғ келди. Муҳаммадқодир Америкада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг мутлақ ғолиби бўлди. Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитиб уйига кириб келганида барча оила аъзолари қатори қоп-қора кўзларини пирпиратиб кичик Юлдуз ҳам уни қутлади гўё.

СИДНЕЙ. 2000 ЙИЛ

Ёзги олимпиада ўйинлари. Ўзбек паҳлавонининг довруғи бутун дунёга таралди. 27 ёшли Муҳаммадқодир Абдуллаев XXVII ёзги олимпия ўйинларида ўз рақиби устидан 27 очко билан ғолиб келиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарди. Ўзбек зарчопонини кийиб рингга чиққан Муҳаммадқодир Алпомишу Рустами достон, Паҳлавон Маҳмудлар авлоди эканлигини, ўзбекнинг неларга қодир эканлигини яна бир бор дунёга кўрсатди. Худди шу дақиқада ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон кўзларига севинч ёшлари қалқиди.

■ Гулнора ҚУРБОНОВА

***

Абдулғани ЖУМА олган сурат

3

ҚУТЛОВ

ЭЗГУЛИКДАН КУЧ ОЛИБ

Ўзбек журналистикасининг оқсоқол авлодига мансуб Зиёд Есенбоев саксон ёшга тўляптилар. Вужудидан ғайрат ёғилиб турган бу мўътабар инсон шу ёшни қизғин меҳнат қучоғида қаршиламоқда. Ҳамкасбларнинг кўпчилиги у кишига ҳавас қилишади. Кимдир отахон журналистга қараб: «Ҳалиям йигитдайсиз, кўз тегмасин» деса, яна биров: «Бизга ҳам шу одамнинг йўлини берармикан» деб орзиқиб кўяди.

Зиёд Исломовичнинг ҳар доим норғул йигитлардай гурсиллаб юришининг бошқа бир ҳикмати бор экан. Сабр қилинг. Мақоланинг охирроғида бу ҳикмат очилади. Аввал у кишининг ҳаёт тарзига бир нигоҳ ташлайлик.

...Зиёд ака эрта саҳарда турдида, юз-қўлини чайгач, ҳовли юзидаги атиргул олдига яқинлашди. Атиргулни ушлади-да, кесмади, хиёл энкайиб завққа тўлиб ҳидлаб: «...қизили қизилга ажрабди-я» деб кўйди.

Соатига қараса ўн минути кам беш. Ичкари кириб телефонга ўннади: «Алло, Мақсуд, турдингми, мен Убайдуллани олиб бешу ўн бешга етиб бораман, кўча юзида кўришайлик» дедию, ташқарига йўналди. Машинага ўтириб йўлда давом этди. Бугунги маърака — йил оши. Марҳум ажойиб одам эди. Эл-юрт учун кўп йиллар ишлади. Шундай табаррук одамнинг маъракасига бормай бўладими? Кўп ўтмай оқсоқол шерикларини олиб етиб борди. Қўл қовуштириб турганлар Зиёд акани ичкарига чорлашганда, кескинлик билан «Йўқ, мен кейин, дўстим ҳурмати турмасам бўлмас» деб сафга қўшилди. Гап орасида марҳумнинг яхши хислатлари ҳақида икки-уч оғиз сухан қилди.

Ичкаридан чиққанларнинг кўпчилиги Зиёд аканинг қўлини олишга интилар, иззат-ҳурматга жавобан устоздан эзгу дуолар эшитишарди. «Ҳа, дарвоқе, Раҳматилла Исҳоқовнинг оиласидан хабар олиш керак. Унинг хонадонига моддий ёрдам бериш бўйича Хуршидга тайинлашим зарур». Устоз йил ошида ҳам бошқаларнинг ташвишини ўйларди...

Ошдан қайтиб келгач, шогирди Исмоил Сулаймоновнинг уйига сим қоқди. Саодат келиндан «Укангиз ишга кетдилар» деган гапни эшитиб «Оббо, озгина кечикибман-да», деб яна йўлга тушди. Шофёрга «Тўғри «Нуроний» жамғармасига ҳайда, яна бир ишни битирайлик» деди. У ерда бир даста гулни кўтариб И. Сулаймоновнинг хонаси томон юрди. Исмоил ака бу пайтда ҳамкасбларидан табрикларни қабул қилаётганди. Зиёд ака «Биз ҳам табрикласак майлими?» дея тўпланганларни бағрига босди.

Ҳамма, ёши улуғ кишилар ҳам Зиёд акага ҳавас билан қарашарди. «Қизиқ, бу одам ҳамма нарсага қандай улгурар экан?» Кўпчиликнинг кўнглидаги савол шу эди. Ҳолбуки, бошқалар бир ҳафтада улгуролмаган ишларни Зиёд ака ҳали иш вақти бошлангунча уддалаб қўйганди.

«Ўзбекистон матбуоти» — касбий журналимиз. Унда оммавий ахборот воситалари ходимларининг беҳаловат фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўзбекистон матбуоти» мамлакатимизда обунаси энг арзон нашр. Шундай баҳога ҳам обуна бўлмаган таҳририят ҳақида гап бўлса, Зиёд ака жиғибийрон бўлиб кетади. Яқинда у бир муҳаррирга кўпчилик олдида сўз қотди:

— Хотиржам бўлинг, ука, сиз журналга обуна бўлдингиз.

Бу гапнинг маъносини тезда илғамаган муҳаррир узр сўради:

— Кечирасиз, вақтида обуна бўлолмаган эдик...

— Йўқ-йўқ, охирги сонда чиққан мақолангиз қалам ҳақини обунага сарфладик.

Муҳаррир ўз ҳафсаласизлигидан қизарди.

Хўш, бугунги газеталарда нима гаплар? Шундай ташналик билан оқсоқол марказий газеталарни варақлади: «Ўзбекистон овози»да Саъдулла Ҳакимнинг шеърини мириқиб ўқиб чиқди. Сўнг қўли беихтиёр телефонга кетди.

— Алло, Саъдуллахон, шеърни қотирибсиз-ку, менга жуда маъқул бўлди.

Шундан сўнг ҳам бошқа газеталардаги эътиборли чиқишларнинг муаллифлари билан боғланди.

— Алло, Фатҳиддин, барака топ, болам, марҳумларни ёдлаб савоб иш қилибсан. «Тошкент ҳақиқати» қанчалик мўътабар жой эканлигини биласан-а. Йигитларга мендан салом айт.

Муҳтарам газетхонга ваъда қилинган сир аён бўлди, шекилли. Демак, Зиёд аканинг гулдураб юришида, алпона одимида биргина сир бор — кўнгли пок инсоннинг бошқаларга яхшилик қилиши, шу эзгуликдан куч-қудрат олиши.

Шогирдлар бахтига омон бўлинг, устоз!

■ Шуҳрат ЖАББОРОВ

✧✧✧

Суратда: *(чапдан) Р. Сахибоев, З. Есенбоев ва Акмал Пўлат.*

ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Сиз Швейцария ҳақида нималар биласиз?» мавзуидаги викторинани ўтказяпти. 19 июль куни саволларнинг тўғри жавоблари, 26 июлда эса ғолиблар эълон қилинади. Викторина ғолибларига совринлар Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирда тақдим этилади. Викторинанинг асосий ҳомийлари:

1. «Ciba махсус кимёвий маҳсулотлари» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **Соврин — «Самсунг» фирмасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, плёнкалари билан.**

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАУ. **Соврин— «PANASONIC» телефони, «Caller ID System» билан «Rowenta» фирмаси ишлаб чиқарган дазмол.**

3. Алексей Назаров номидаги тиббий марказ. **Соврин — шейпинг ва бошқа машғулотлар учун ойлик рухсатнома.**

4. «Nestle» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **5 та рағбатлантирувчи соврин — Nescafe савдо белгиси туширилган кружка ва соатлар.**

5. Маълумотлар тарқатиш бўйича ҳомий: **«Ўзбекистон овози» ва «ПрессТИЖ» газеталари ҳамда «Гранд» радиоси.**

Викторина шартлари:

Тўғри жавобларнинг тагига чизиб, купонни тўлдиринг ва эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида конвертни почта орқали жўнатиб юборинг (жавобнинг юборилган куни штемпель билан кўрсатилган бўлиши керак).

Белгиланган муддатгача юборилмаган жавоблар ҳисобга олинмайди.

Жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-«а» уй.

«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти

КУПОН

Ф. И. Ш.: _____

Манзил _____

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

1. Қайси йили Швейцариянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлаган?
а) 1990 б) 1993 в) 1998

2. «Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти қачон ташкил топган?
а) 1997 б) 1999 в) 2000

3. Қуйида келтирилган авиакомпаниялардан кайси бири Швейцария авиакомпанияси ҳисобланади?
а) SAS б) Swissair в) Swiss Airlines

4. XX аср даҳоларидан бири, Джованнининг ўғли Алберто Джакометти ким бўлган?
а) актёр ва режиссёр б) рассом ва ҳайкалтарош
в) мусиқачи ва бастакор

5. Швейцарияда 1997 йили атом энергиясидан олинадиган электр умумий ишлаб чиқаришнинг ... %ини ташкил этди.
а) 39,6% б) 48,3% в) 21,8%

6. Швейцариянинг қайси шаҳрида Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси жойлашган?
а) Цюрих б) Берн в) Женева

«Москва Музқаймоқ» Х/Ж банкрот деб эълон қилингани муносабати билан ушбу жамият думалоқ муҳри, бурчак тамғаси, Низоми, таъсис этувчи Низоми ва очилиш сертификати
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Чортоқдонмаҳсулот» очиқ ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил 25 июнь куни эрталаб соат 9^00 да ўтказилишига маълум қилади

Йиғилиш жамиятнинг мажлислар залида бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 119-сонли қарорига мувофиқ ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармасини ўзгартириш.
2. Жамият Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида.
3. Жамиятнинг 1999 йил якуни бўйича қолган соф фойдани қайта тақсимлаш.
4. Кузатув кенгаши аъзоларига ўзгартириш киритиш.

Ёнингизда паспорт ҳамда шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши сўралади.

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ласкидон қишлоғи

Жамият маъмурий биноси.

«Чортоқдонмаҳсулот» очиқ ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ, ПРЕДПРИЯТИЙ, ФИРМ И АССОЦИАЦИЙ!

Тендерная комиссия «Ўзбекистон Темир Йўллари»

объявляет тендерные торги на закупку дефектоскопов, измерительных приборов и РКД для проведения технологических процессов работ колесных пар грузовых вагонов и тележек модели 18-100.

Заявки на участие и проведение тендера направлять по адресу: 700060 г. Ташкент ул. Тараса Шевченко, 7. ОАО «Темирйўлтаъмин»

Телефон: 59-63-98, факс: 54-96-02.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 45 дней с момента опубликования объявления в средствах массовой информации.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÓLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA